



Буюк ўзбек йўли

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ: ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАНФААТЛАР УЙҒУНЛИГИ САРИ



Дунё тобора тез ўзгармоқда. Халқаро муносабатлар шиддат билан ривожланиб, геосиёсий манзара кун сайин янги мазмун касб этмоқда. Бугунги глобал кураш майдонида ҳар бир давлат ўз йўлини белгилаш, миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ва келажак тараққиёти учун мустаҳкам асос яратиш мақсадида ташқи сиёсатда очик, прагматик ва мувозанатли бўлишга мажбур. Шу жараёнда мамлакатимиз ҳам янги қиёфаси билан намоён бўлиб, халқаро майдонда салоҳияти ва нуфузини ошириб бормоқда.

Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган, тарихан цивилизациялар чор-рахаси ҳисобланган юртимиз учун бугун дунё билан барқарор ҳамкорлик йўлини излаш тақдирий аҳамиятга эга. Ана шундай муҳим йўналишлардан бири АҚШ билан ўзаро ишонч ва манфаатлар уйғунлигига асосланган муносабатлардир. Бу муносабатлар нафақат икки давлат, балки

бутун минтақа тақдирини учун стратегик аҳамиятга эга. Сабаби, икки томонлама алоқалар қатор йирик инвестициявий, технологик ва молиявий лойиҳаларга асосланиб, барқарор иқтисодий ўсиш ва сиёсий барқарорлик учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

► Давоми 3-бетда

Агротармоқ

ЕР БИЛАН ҲИСОБЛАШДИНГМИ, ЭЛ БИЛАН ҲАМ ҲИСОБЛАШ

Президентимизнинг “Тадбиркорлар кунини муносабати билан соҳа вакиллари билан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, Бандихон туманидаги “Омад” фермер хўжалиги раҳбари Ботир Ражабов “Шухрат” медали билан тақдирланди. Яхши хабар шамолдай тез юради, деганлари рост экан. Фермер бу хабарни тунда — ғўза суғориб юрган пайтда эшитди. Бир умр ер билан “тиллашиб” келган эмасми, хурсандлигини далавларига айтди. Кувончини экинлар билан баҳам кўриб, тани-да, дили-да яйради! Энди бу замонда оёғи ердан узилганлар эмас, ерга оёқ тираб, кетмон чопганларнинг ҳам елкасига қуёш теккани, меҳнат қилган юртда, элда азиз бўлишини айтиб, пайкал оралади.

Ботир Ражабов қишлоқдаги оддий меҳнаткаш оилада вояга етди. Айтишича, ҳалоллик ва сабр-тоқат каби хислатлар унга ота-онасидан ўтган. Ана шу фазилатлар фермернинг ҳаёт йўлини белгилаб берди. Эҳтимол, шунинг учун у умрини қишлоқ хўжалиги ривожига бағишлагандир.

Музабатдаги 7-мактабни тамомлагач, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида ўқиди. Узоқ йиллар Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилди. Йиллар давомида тўплаган тажрибаси, эгаллаган билимига таяниб, 1996 йили фермер хўжалигини тузди.

► Давоми 4-бетда

Жараён

“ИНСОН” МАРКАЗЛАРИ: ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Сўнгги йиллардаги ислохотлар замирида инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, фаровонлиги ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш устувор аҳамият касб этмоқда. “Инсон кадрини учун” тамойили асосидаги ишлар ҳар бир хонадонга кириб бормоқда. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари бу борадаги ислохотларнинг амалий ифодаси бўлаётгир. Улар орқали кўмакка муҳтож аҳолига манзилли ва тезкор хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилди.

Хусусан, Нурота туманидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходимлари ҳам аҳолининг оғирини енгил қилишга бел боғлаб, халқимиз дуосини олмақда. 2025 йил бошида туманда нафақа олувчи оилалар сони



3235 та эди. Қилинган ишлар самараси ўлароқ, 976 оила реестрдан чиқарилди. Улар ўрнига ҳақиқий муҳтож 408 оилалар болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинланди.

► Давоми 5-бетда

Мулоҳаза

АДОЛАТЛИ ТАРБИЯ

УМИДБАХШ ИСЛОХОТЛАР ОРТИДАГИ МАЪНАВИЙ МЕЗОНЛАРГА БИР НАЗАР

Бугунги фуқаролик жамиятида инсонни инсон қиладиган ижтимоий адолат негизи — таълим, тарбия, тиббий хизмат, турар жой, меҳнат ва рағбат каби неъматлардан ҳамма учун эркин фойдаланиш имконияти мавжуддир. Одамзод ҳамиша жамият ҳаётида муҳим ўринга эга бўлишга интилиб яшайди, бунинг ёмон жойи йўқ. Ахир керакли бўлиш хисси ҳаракатга, ривожланишга ундайди.



Фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчлари мослиги ҳам фуқаролик жамиятидаги адолатли муносабатларни аниқ изга солувчи омилдир. Бундан нафақат жамият, балки шахснинг ўзи ҳам катта манфаат кўради. Ана шу мослик туфайлигина инсон бошқалардан ҳурмат ва эътироф кутишга ҳақиқ.

Агар жиноятни жазосиз қолдирмайдиган тизим ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш кучига эга бўлса, қилинган меҳнат ва унинг баҳо-ланиши ўртасидаги мослик иқтисодий муносабатларни тартибга солади. Бугунги замонавий жамиятни ана шундай мослик қондасиз тасаввур этиш мушкул. Бу мослик бутун иқтисодий тизимнинг пой-деворини ташкил этади.

Адолатга қайтсак. Адолатнинг ўзи бирор-бир қадриятни англамайди, лекин қадриятлар ўртасидаги нисбатни белгилайди, уларни баҳолаш хусусиятига эга.

► Давоми 5-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОМОНИДАН БМТ МИНБАРИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН ҲОЯЛАР ВА ЕЧИМЛАР КАТТА ЎЗГАРИШЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 80-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 23 сентябрь кунини БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида ўз ишини бошлаган БМТ Бош Ассамблеяси 80-юбилей сессияси умумсиёсий мунозараларида нутқ сўзлади.



Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш мақсадларига ҳам-оҳанг амалга оширилаётган ортага қайтмас изчил ислохотлари билан таништирди. Ундан кўзланган бош мақсад мамлакатимизда яшаётган ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартариш, инсон қадри ва фаровонлигини оширишга қаратилганини таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг очик ва прагматик сиёсати, глобал ва минтақавий ҳавфсизлик, барқарор ривожланиш бўйича навбатдаги муҳим таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, янги

Ўзбекистон дунёнинг барча давлатлари билан ҳамжиҳатлик, очик мулоқот ва яқин ҳамкорлик тарафдори.

Хорижий экспертлар, таҳлил доиралари вакиллари Ўзбекистон Президентининг БМТ минбаридан туриб билдирган ташаббусларини шарҳлар экан, улар барчани бирдамликка чорлаш, тинчликни сақлаш, халқаро миқёсдаги муаммоларга ҳамжиҳатликда адолатли ечимлар топиш ва халқаро масалаларда мулоқот платформаларини яратишга қаратилгани билан эътиборга молик, дея юксак баҳо-ламоқда.

► Давоми 2-бетда

Академик Аҳмадали Асқаровнинг 90 йиллигига

Милл нури билан ТАРИХНИ ЁРИТГАН ОЛИМ

Домла ортиқча таърифга муҳтож эмас. Уни минглаб шогирдлари, илмга алоқадор ҳамкасб ва сафдошларидан ташқари оддий одамлар ҳам яхши танишади, билишади, ҳурмат қилишади. Аҳмадали Асқаров деса, кўпчилик хушёр тортиб қолиши ҳам ҳақиқат. Негаки оддий, жайдади ва самимий келбатида салобат устун. Сўзи ва амали уйғун. Чўрткесарлиги бор.

Ўқитувчининг сеҳри ва тарбияси ортидан

Аҳмадали Асқаровнинг илмий фаолияти Ўзбекистон тарихини ёритиш, маданияти ва этногенетик илмий тадқиқотларини

ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Унинг ишлари ўзбек илмида археология ва тарих соҳаларининг фундаментал масалаларини тадқиқ этиш ва келажакдаги тадқиқотчиларга замин яратишга хизмат қилмоқда.

► Давоми 6-бетда



“Аҳмадали Асқаров — археолог, тарихчи, илмий муҳитда юксак обрў-эътибор қозонган ва эътирофга сазовор бўлган олим. Унинг илмий асарлари, изланишлари Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг қадимги маданияти ва этник тарихини ўрганишда қадри манба бўлиб келмоқда. Серқирра олимнинг илмий қизиқишлари кенг: археология, этногенез, давлатчиликнинг шаклланиши, маданият-моддий меросини ўрганиш.



Агротармоқ

Бошланиши 1-бетда

Аввалига фақат пахта ва галла етиштириш билан чекланган ҳўжалик бутун илмий ёндашувлар асосида кўп тармоқли фермер ҳўжалигига айланди. Ҳозирга қадар ҳўжаликнинг 55 гектар ерида пахта ва галла етиштирилади. Фермер, шунингдек, ўз томорқасида ҳам мўъжаз анорзор барпо этган.

— Ер энг қимматли ва бебаҳо неъмат, — дейди “Омад” фермер ҳўжалиги раҳбари Ботир Ражабов. — Унга эгалик қилаётган инсоннинг зиммасида ердан оқилона фойдаланиш, давлатга, жамиятга, яқинларига, маҳалла-кўйга фойда келтириш масъулияти туради.

Ерга меҳр берилса, у ҳеч қачон эгасини қуруқ қўймаслигини Ботир ака яхши билади. Шу боис, доим ҳосилдорлик режасини ортиғи билан бажаради. Масалан, ўтган йили галла ҳосили 90, пахта ҳосили 40 центнерни ташкил этган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич янада ошди.

— Жорий мавсумда галладан 102, пахтадан 55 центнердан ошириб ҳосил олдик. Бу натижага эришишда яратилган шароит, замонавий хорижий техникалардан фойдаланиш ва тажрибали олимлар билан яқин ҳамкорлик катта аҳамият касб этяпти, — дейди “Омад” фермер ҳўжалиги раҳбари Ботир Ражабов.

Илмий тавсиялар ва инновацион ёндашувларнинг деҳқончиликка ҳам жорий этилиши юқори ҳосилдорликка эришишнинг асосий омилларидан. Буни фермер

яна бир бор исботлади. Тиндирилган, илмий асосда тозаланган ва сараланган галла уруғини экиб, кутилганидан ҳам юқори ҳосил олишга эришди. Энди унинг самарали иш услуби оммалашиб, кўплаб деҳқонлар учун илҳом манбаига айланмоқда.

“Мен фермерман, ишим фақат қишлоқ ҳўжалиги билан шугулланиш” деб Ботир Ражабов қараб ўтиргани йўқ. Маҳалладаги ижтимоий масалаларда ҳам фаол. Очиғи, унинг кўмағида маҳалла кўчалари таъмирланди, хонадонларга обихайёт кириб борди. Кам таъминланган оилаларга берилаётган ёрдам ҳам фермернинг ижтимоий масъулиятдан далолат. “Ер билан ҳисоблашиб, унинг неъматидан баҳраманд бўлган киши эл билан ҳам ҳисобла-

шиши керак. Шу сабаб топармон инсон имконияти чекланганларга ҳам саховат қўлини чўшиши лозим. Барака шунда бўлади”, дейди Ботир Ражабов.

Кўп йиллик меҳнати эвазига “Шўҳрат” медалига сазовор бўлгани фермернинг кўнглини тоғдек кўтарди. Шу йўлда кўрган қийинчиликлари ариди-қолди.

— Дастлабки йиллари қишлоқ ҳўжалиги техникасини бошқариш мен учун қийин бўлган, — дейди у. — Лекин ҳозир фермер ҳўжалиги раҳбари сифатида фақат назоратчилик билан чекланиб қолганим йўқ. Эрта тондан далага ошиқман. Ишни фақат меҳнатсизторга топшириб қўймай, кези келса, енг шимариб, бўш турган техникани ишга тушираман. Чунки вақтини бой бермаслик керак. Қишлоқ ҳўжалиги



учун ҳар дақиқа муҳим эканини деҳқонлар жуда яхши билади.

Ботир Ражабов фақат фермер эмас, меҳнатга садоқат, илмий ёндашув ва ижтимоий масъулиятни бириктирган қишлоқ ҳўжалиги етакчиси. Шу кунларда фермерни пахта даласидан топасиз.

У каби бошқа сурхондарёлик деҳқонлар ҳам доим кўп йиллик тажрибага таяниб иш кўради. Натижада кўзланган ҳосил чўғи ҳамиша юқори бўлади. Ерга

чигит қадалиши, гўза гуллаши, пахта очилгани, терим бошлангани ҳақидаги янгиликлар ҳам энг аввал Сурхон воҳасидан тарқалиши бежиз эмас. Чунки вилоят иқлими пахтачиликка мос. Бу воҳа пахтакорларидан катта масъулият талаб этади. Айниқса, бу йилги аномал иссиқ пахтачилик учун фавқуллодда вазият бўлди. Лекин барча имконият сафарбар қилиниб, ҳосил сақлаб қолинди. Айни пайтда вилоят далаларида пахта йиғим-терими қизғин паллага кирган.

Жорий йил Сурхондарёда 1964 та фермер ҳўжалиги 62 минг 850 гектар майдонда пахта етиштирди. Улар бу мавсумда 275 минг 283 тонна “оқ олтин” йиғишни режалаштирган. Фермерларнинг айтишича, ёз ойларида кунлик ҳарорат ўртача 38 даражани ташкил этгани ҳосилга ижобий таъсир кўрсатди. Яна бир гап: бу йил ҳам етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш жараёнини ушшоққлик билан ташкил этиш, теримчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумотларга кўра, пахта йиғим-терими учун 1187 та гуруҳ тузилиб, 173 мингдан ортиқ теримчи жалб этилган. Машинада терилган бир кило пахта учун 1350 сўмдан, қўлда терилгани учун эса 2000 сўмдан ҳақ тўланмоқда. Хоҳлаган одам ихтиёрий равишда пахта йиғим-теримида иштирок этиши мумкин. Бунда у муайян терим гуруҳига бириктирилади ҳамда ҳеч қандай муаммосиз тўлиқ меҳнат ҳақини олиш имкониятига эга бўлади. Теримчиларни тушлик, ичимлик сув билан таъминлаш, пахта майдонига олиб бориб, олиб келиш — фермер ҳўжалиги зиммасида. Пахта хомашёсини қабул шохобчаларга ўз вақтида етказилиши учун 2975 та қишлоқ ҳўжалиги техникаси бириктирилган. Бундан ташқари, пахта териш самардорлигини ошириш мақсадида хориждан олиб келинган 60 та замонавий пахта териш машинасини орқали бир кунда 10 тоннадан ортиқ “оқ олтин” йиғиб олинмоқда.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ҚУВАСОЙ ШАҲРИДАГИ БОҒБОН МАҲАЛЛАСИДА ЯШОВЧИ РЎЗИБОЙ МАМАЖОНОВ ТОМОРҚАСИДА ЯНГИ ТАЖРИБА АСОСИДА ҚУЛУПНАЙ ЕТИШТИРИБ, КЎПЛАРГА ИБРАТ БЎЛМОҚДА

— Авваллари ҳам томорқада қулупнай экиб даромад олганмиз. Аммо жараён бир мавсумгина давом этарди, — дейди Рўзбой Мамажонов. — Ижтимоий тармоқлардан иссиқхона усулида қулупнай етиштириб, йил бўйи ҳосил олаётган миришкорлар ҳақида билиб олдим, изланим, ўргандим. Утган мавсумда ёзда ҳароратни совитувчи, қишда иссиқхона усуллар билан жиҳозланган 3 сотихли шароитда экинга ишлов бериш, иссиқ ва совуқ ҳароратдан сақлаш имкониятини берди.

бирга йиғим-теримда ҳам қўл келади. Қулупнайни шу тарзда экиш аъёнавий усул-дагига нисбатан 8-10 ҳисса кўп қўчат қадаш имконини беради. Ўз-ўзидан ҳосилдорлик ҳам ошади. Муҳими, сифат янада яхшиланади.

Иссиқхона муқобил ёқилғида иситилади. Томчиллаб сугориш тизими эса сув сарфи ва озиклантириш билан боғлиқ харажатларни камайтиради.

— Боғдорчилик, деҳқончилик ҳудудизмининг асосий драйвери, — дейди Боғбон



Биринчи йилнинг ўзига 100 миллион сўмдан ортиқ даромад кўтардик. Айни кунда 50 минг туздан ортиқ қулупнай кўчатимиз ҳосилга кирди. Келгусида бу йўналишда корпорация ташкил этиб, амалий тажрибамизни оммалаштириш орқали маҳсулот экспортини йўлга қўйишни мақсад қилганман.

Бугун бир кило қулупнай бозорда 150-200 минг сўмдан сотилапти. Томорқачи бир ҳафтада ўрта ҳисобда 50-60 кило ҳосилни бозорга чиқараётгани инобатга олинса, даромад салмоғини камалаб олиш қийин эмас.

Рўзбой Мамажонов бу натижага осонликча эришаётгани йўқ, албатта. Аввало, меҳнат, дунёдаги илгор иш тажрибаларини амалиётда қўллаш ютуқларга сабаб бўлди. Янги тажриба аъёнавий усулда қулупнай парваришладан бирмунча фарқ қилади. Кўчатлар ерга эмас, 1,5 метр баландда ўрнатилган махсус қутига экилади. Бу ниҳол ривожини ҳар жиҳатдан назорат қилиш билан

маҳалласи раиси Солижон Раҳматуллаев. — Кейинги йилларда интенсив боғларда мева, томорқаларда сабзавот етиштириш орқали ҳосилдорлиқни кўпайтириш тажрибалари оммалашиб бормоқда. Айниқса, иссиқхонада йил давомида қулупнай, малина етиштириш истагини билдираётган ташаббускор томорқачиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, моддий ва маънавий кўмаклашишга ҳаракат қилаямиз.

Томорқадан самарали фойдаланиш, илгор тажрибаларини ўрганиш оммалашаётгани маъруз йўналишдаги ислохотлар яхши самара бериб, кам ердан катта даромад олиш имкони кенгайиб бораётганидан далолат. Бу эса аҳоли бандлигини таъминлаш, даромад салмоғини ошириш, муҳими, эл дастурхони тўқин бўлишига хизмат қилаяпти.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Долзарб мавзу


Ҳар бир инсон ижтимоий мавқеи ёки касбидан қатъи назар, истеъмолчидир. Кимдир озик-овқат маҳсулотларини сотиб олади, бошқаси эса уй-жой, транспорт воситаси ёки молиявий хизматларга эҳтиёж сезади. Умуман олганда, эҳтиёж пайдо бўлган ҳар бир ҳолатда инсон истеъмолчи сифатида иштирок этади. Шу сабабли “истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилиш” деган ибора тобора долзарб тус олмоқда.

Ижтимоий тармоқларда, шунингдек, кундалик ҳаётда сифатсиз маҳсулотлар савдоси, уй-жой олди-сотидисидидаги фирибгарликлар ёки молиявий хизматлар билан боғлиқ муаммолар ҳақида тез-тез эшитиб турибмиз. Бу каби ҳолатларнинг барчаси истеъмолчининг қонуний манфаатларига зарар етказиши мумкин. Айниқса, молиявий хизматлар соҳасида, хусусан, кредит сиёсатида истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиши кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлаётган асосий масалалардан биридир.

Бугун аҳолининг аксарият қисми кредитдан фойдаланмоқда. Бу молиявий восита ҳисобитиб билан ва мақсадга мувофиқ қўллansa, кўплаб оилаларнинг муаммосини ҳал қилади. Замонавий технологиялар ёрдамида бир неча дақиқада кредит олиш имконияти яратилгани эса аҳолига қўлайлик туғдирмоқда.

“Турун қурмасиз бўлмайди” дейилганидек, кўплаб ҳолатларда фуқаролар кредит олишдан аввал етарли ахборотга эга эмаслиги, шартларни тўлиқ англаб етмаслиги ёки келажақдаги тўлов имкониятини нотўғри баҳолаши сабабли, кейинчалик жиддий молиявий қийинчиликларга дуч келмоқда. Бу эса истеъмолчилар ҳуқуқларини институционал ҳимоя қилиш механизмларини янада кучайтиришни талаб этади.

Ҳозир нафақат юртимизда, балки халқаро миқёсда ҳам бу каби муаммолар йўқ эмас. Лекин аксарият ривожланган давлатларда молиявий хизматлар соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қатор ютуқларга эришилаётир. Масалан, бир киши кредит олади. Аммо муайян вақт ўтиб, иши орқага кетди ва уни тўлаш имкониятини йўқотди. Молиявий хизматлар ривожланган давлатларда истеъмолчининг имкониятларидан келиб



ЁХУД ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ — БАРҚАРОР МОЛИЯВИЙ ТИЗИМ ПОЙДЕВОРИ

чиқиб, тўлов муддатини кечиктириш ёки фонизини камайтириш каби чоралар кўрилади. Лўнда қилиб айтганда, истеъмолчи манфаатлари биринчи ўринга чиқади.

Молиявий хизматларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Марказий банк алоҳида ўрин тутати. У нафақат пул-кредит сиёсатини амалга оширувчи орган, балки молиявий ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи бош институт сифатида фуқаролар манфаатларини муҳофаза қилишда ҳам муҳим вазифани бажаради.

2025 йилдан бошлаб Марказий банк Молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш концепциясини қабул қилган ҳолда, назорат ва тартибга солиш тизими самардорлигини оширишга қаратилган стратегияни ҳаётга татбиқ этмоқда.

— Молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш концепцияси бир нечта йўналишни қамраб олган. Шулардан бири молиявий хизматлар етказиб берувчилар — банклар ва бошқа молиявий ташкилотлар истеъмолчилар учун аниқ ва кутилган натижаларни таъминлаши зарур. Бу хизматлар мижозларнинг эҳтиёжига мос ва шаффоф бўлиши керак, — дейди Марказий банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати директори Баҳодир Мирзаев. — Шунингдек, истеъмолчилар натижага эришиши учун молиявий хизматлар кўрсатувчилар



масъулиятли ва фаол бўлиши лозим. Улар мижозларга хизматлар ҳақида тўлиқ маълумот бериш, молиявий хизматлар етказиб берувчилар тушунтириш орқали қарор қабул қилиш жараёнида ёрдам кўрсатиши шарт.

Бугун молиявий хизматлар бозорига мижозларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва сифатли хизмат кўрсатиш нафақат зарур, балки жамиятда молиявий барқарорлиқни таъминлашнинг муҳим омилдир. Шу боис, молиявий хизмат кўрсатувчилар қатор муҳим принципларга қатъий риоя қилиши шарт. Бу принциплар

орқали мижозларга ишончли, шаффоф ва адолатли муносабат қаролатиланади.

Молиявий хизматларда ахборот очқлиги энг асосий омиллардан бири бўлиб, барча муҳим маълумот мижозга ўз вақтида, аниқ ва тушунарли етказилиши зарур. Бу мижознинг қарорларини асосли қабул қилишига ёрдам бериш билан бирга, молиявий саводхонлигини оширишга ҳам хизмат қилади. Кўп ҳолларда маълумот етисмаслиги ёки нотўғри тушунириш молиявий хатоларга ва норозиликларга сабаб бўлади.

Ҳар бир мижознинг молиявий вазияти, мақсади ва ҳавфи турлича бўлади. Шу боис, молиявий хизмат кўрсатувчилар мижозларнинг аниқ эҳтиёжларини ўрганиб, фақат улар учун мос ва фойдаланарли маълумотни тақдир этиши керак. Масалан, бугун молия ташкилотлари олдига мижозни қандай бўлмасин, Ўзининг истеъмоличисига айлантириш вазифаси тургандек. Унинг ижтимоий аҳоли, даромад манбаи иккинчи даражада масалага айланиб қолган. Кредитни тўлаш жараёнидаги муаммолар келиб чиқишида асосий сабаблардан бири ҳам айнан шу жиҳатини инобатга олмаклиқдир.

Шу билан бирга, танлов эркинлигини таъминлаш муҳимдир. Истеъмолчилар турли молиявий хизматларни эркин танлаш имконига эга бўлиши лозим. Ҳеч ким мижозларни ўз хоҳишига зид равишда бирор маҳсулот ёки хизматдан фойдаланишга мажбурлай олмайди. Бу принцип бозор рақобатини рағбатлантириб, сифатли хизмат кўрсатишни ривожлантиради.

Яна бир муҳим жиҳат молиявий хизмат кўрсатувчиларнинг одоб-ахлоқи ва ҳақоликка асосланган ёндашувига боғлиқ. Истеъмолчиларга доим очиқ, шаффоф ва самимий муносабатда бўлиш зарур. Чалғитувчи, алдовчи ёки нотўғри маълумот беришга йўл қўйилмайди. Бу мижозлар ишончини сақлашда асосий омилдир.

Истеъмолчиларнинг шахсий маълумотлари ҳафсизлиги ҳам алоҳида эътибор талаб

қилади. Ҳар қандай шахсий маълумот қонунларга мувофиқ йиғилиши, сақланиши ва фақат муайян мақсадларда ишлатилиши керак. Маълумотлардан ноқонуний фойдаланилишига қарши қатъий чоралар кўрилиши зарур. Бу мижозларнинг шахсий ҳаётига ҳурмат кўрсаткичи ҳамдир.

Аксариятимизнинг банкка ишимиз тушган. Масалан, банк пластик картани “қўқулаб” қолади. Агар банк билан боғланмоқчи бўлсак, базан навбатимиз келишини соатлаб кутамиз. Бу ҳолатларнинг олдини олиш учун истеъмолчилар билан самарали мулоқот ва қайта алоқа тизими йўлга қўйилиши шарт.

Мижозлар фикр-мулоҳазаларини эркин билдириши учун қўлай, тезкор ва осон фойдаланиладиган каналлар бўлиши керак. Бу орқали хизматларни такомиллаштириш ва мижозларнинг талабларига тез жавоб бериш имконияти яратилади. Молиявий хизмат кўрсатувчилар мижозларнинг муаммосига тез ва самарали ечим топиш учун барча зарур шарт-шароитни таъминлаш лозим.

Молиявий қийинчиликка дуч келган мижозларга эса алоҳида эътибор қаратилиши шарт. Реструктуризация, тўлов муддатини кечиктириш каби енгиллаштирувчи чоралар орқали мураккаб вазиятдаги мижозлар қўллаб-қувватланади. Бундай ёндашув инсонпарварлик ва ижтимоий масъулиятни намоён этади.

Шунингдек, аҳолининг заиф қатлами — ногиронлар, ёшлар ва кам таъминланган гуруҳлар учун махсус хизматлар жорий этилади. Улар билан мулоқот қилувчи ходимлар махсус тайёргарликдан ўттиши ва етарли малакага эга бўлиши зарур. Заиф гуруҳлар учун алоҳида шикоятлар механизми ва тезкор қўллаб-қувватлов каналлари ташкил этилади.

Ушбу чора-тадбирлар молиявий хизматлар бозорига истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ва ишончлиликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бошқарув ва ички назорат тизимлари эса ушбу жараёнларнинг шаффоф ва самарали амалга оширилишини таъминлайди.

Молиявий хизматлар соҳаси тобора кенгайиб бораётган бугунги шароитда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш нафақат ижтимоий, балки стратегик аҳамиятга эга.

Марказий банкнинг бу борадаги фаолияти, жумладан, янги концепция асосидаги ислохотлар юртимизда барқарор ва адолатли молиявий тизимни шакллантиришда муҳим босқич бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, бу умумий иқтисодий ўсиш ва жамиятдаги молиявий барқарорлиқни таъминлашга ҳам ҳисса қўшади.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

